

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи
ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига
қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги ПФ-3860-сон “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг 5-бандига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 15 февралдаги 21, 16, 3-02, 01-02/8-44-сон қарори (рўйхат рақами 2436, 2013 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 12-сон, 157-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

Иқтисодиёт вазири

Тошкент ш.,
2015 йил «__» _____
_____ - сон

Г. Саидова

Молия вазири

Тошкент ш.,
2015 йил «__» _____
_____ - сон

Р. Азимов

**Ташқи иқтисодий
алоқалар, инвестициялар
ва савдо вазири**

Тошкент ш.,

2015 йил «___» _____

_____ - сон

Э. Ганиев

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,

2015 йил «___» _____

_____ - сон

З. Дусанов

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги,
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо
вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг
2015 йил «_____» _____
_____ -сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи
ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар
рўйхатига киритилаётган қўшимчалар**

1. Қуйидаги тахрирдаги 71-1, 71-2, 71-3, 71-4, 71-5, 71-6, 71-7 позициялар билан тўлдирилсин:

«

71-1	8471 50 000 0 (телекоммуникация тармоқлари ва Интернетга уланиш ускуналари, серверлар)	ҳисоблаш машиналари ва маълумотларни қайта ишлаш блоклари
71-2	8471 90 000 0 ****	Ҳисоблаш машиналари ва уларнинг блоклари; бошқа жойда номи келтирилмаган ёки киритилмаган магнит ёки оптик ўқиш қурилмалари, маълумотларни ахборот ташувчиларига кодланган шаклда ўтказиш машиналари ва шу турдаги ахборотларни қайта ишлаш машиналари
71-3	8517 61 000 9	таянч станциялар
71-4	8517 62 000 1, 8517 62 000 9, (телекоммуникация тармоқлари ва Интернетга уланиш ускуналари, серверлар, антенналар)	коммутация қурилмалари, маршрутизаторлар, симли ёки симсиз алоқа тармоқларида уланиш учун шлюзлар, (масалан, локал ёки глобал алоқа тармоғида), ташувчи частотада симли алоқа тизимлари учун ёки рақамли симли алоқа тизимлари учун аппаратура, рақамли узатиш тизимлари, мультиплекслаш, спектрал зичлаш ускуналари. (тўғридан-тўғри уланишни ташкил этиш учун ускуналар; Home Gateway ускуналари; DSLAM ускуналари; ADSL модемлари; ўтказувчанлик қобилияти 16 E1-GE гача бўлган оптик мультиплексорлар бундан мустасно)
71-5	8517 70 190 0, 8517 70 900 1 (телекоммуникация тармоқлари ва Интернетга уланиш ускуналари, серверлар, антенналар)	таянч станцияларнинг бошқа қисмлари, бошқа антенналар ва антенна қайтаргичлари, 8517 62 000 1 кичик субпозициясига кирадиган ҳисоблаш машиналари қурилмаларининг қисмлари

71-6	8525 80 190 0 ****	Телевизион камералар, рақамли камералар ва ёзувчи видеокамералар
71-7	8529 10 950 0, 8529 10 800 0	барча турдаги антенналар ва антенна қайтаргичлари; ушбу жиҳозлар билан бирга фойдаланиладиган бошқа қисмлар, антенна филтрлари ва ажратувчи қурилмалар

».

2. Қуйидаги таҳрирдаги изоҳ билан тўлдирилсин:

****) Импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш бўйича имтиёзлар вазирликлар ва давлат қўмиталари томонидан олиб кирилаётган технологик ускуналарга татбиқ этилади.

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
МИНИСТЕРСТВА ЭКОНОМИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
МИНИСТЕРСТВА ФИНАНСОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
МИНИСТЕРСТВА ВНЕШНИХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ,
ИНВЕСТИЦИЙ И ТОРГОВЛИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ГОСУДАРСТВЕННОГО ТАМОЖЕННОГО КОМИТЕТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

О внесении дополнений
в Перечень технологического оборудования, освобождаемого при
ввозе на территорию Республики Узбекистан от импортной
таможенной пошлины и налога на добавленную стоимость

В соответствии с пунктом 5 Указа Президента Республики Узбекистан от 14 марта 2007 года № УП-3860 «О дополнительных мерах по стимулированию модернизации, технического и технологического перевооружения производства» и постановлением Президента Республики Узбекистан от 27 июня 2013 года № ПП-1989 «О мерах по дальнейшему развитию Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан» Министерство экономики, Министерство финансов, Министерство внешних экономических связей, инвестиций и торговли и Государственный таможенный комитет Республики Узбекистан **постановляют:**

1. Внести дополнения в Перечень технологического оборудования, освобождаемого при ввозе на территорию Республики Узбекистан от импортной таможенной пошлины и налога на добавленную стоимость, утвержденный постановлением Министерства экономики, Министерства финансов, Министерства внешних экономических связей, инвестиций и торговли и Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан от 15 февраля 2013 года № № 21, 16, 3-02, 01-02/8-44 (рег. № 2436 от 20 марта 2013 года) (Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2013 г., № 12, ст. 157), согласно приложению.

2. Настоящее постановление вступает в силу со дня его официального опубликования.

Министр экономики

г. Ташкент,

«__» _____ 2015 года,

№ _____

Г. Саидова

Министр финансов

г. Ташкент,

«__» _____ 2015 года,

№ _____

Р. Азимов

**Министр внешних
экономических связей,
инвестиций и торговли**

г. Ташкент,

«__» _____ 2015 года,

№ _____

Э. Ганиев

**Председатель
Государственного
таможенного комитета**

г. Ташкент,

«__» _____ 2015 года,

№ _____

З. Дусанов

ПРИЛОЖЕНИЕ
к постановлению Министерства экономики,
Министерства финансов, Министерства внешних
экономических связей, инвестиций и торговли,
Государственного таможенного комитета
Республики Узбекистан
от «___» _____ 2015 года
№ № _____

**Дополнения,
вносимые в Перечень технологического оборудования,
освобождаемого при ввозе на территорию Республики Узбекистан
от импортной таможенной пошлины и налога на добавленную стоимость**

1. Дополнить позициями 71-1, 71-2, 71-3, 71-4, 71-5, 71-6, 71-7 следующего содержания:

71-1	8471 50 000 0 (оборудование сетей телекоммуникаций и доступа к Интернет, серверы)	вычислительные машины и блоки обработки данных
71-2	8471 90 000 0 ****	Вычислительные машины и их блоки; магнитные или оптические считывающие устройства, машины для переноса данных на носители информации в кодированной форме и машины для обработки подобной информации, в другом месте не поименованные или не включенные
71-3	8517 61 000 9	базовые станции
71-4	8517 62 000 1, 8517 62 000 9, (оборудование сетей телекоммуникаций и доступа к Интернет, серверы, антенны)	коммутационные устройства, маршрутизаторы, шлюзы для коммуникации в сети проводной или беспроводной связи, (например, в локальной или глобальной сети связи), аппаратура для систем проводной связи на несущей частоте или для цифровых проводных систем связи, оборудование цифровых систем передачи, мультиплексирования, спектрального уплотнения. (за исключением: оборудования для организации прямых проводов; оборудования Home Gateway; оборудования DSLAM; модемов ADSL; мультиплексоров оптических с пропускной способностью до 16 E1-GE)
71-5	8517 70 190 0, 8517 70 900 1 (оборудование сетей телекоммуникаций и доступа к Интернет,	прочие части базовых станций, антенны и антенные отражатели прочие, части устройств вычислительных машин подсубпозиций 8517 62 000 1

	серверы, антенны)	
71-6	8525 80 190 0 ****	Телевизионные камеры, цифровые камеры и записывающие видеокамеры
71-7	8529 10 950 0, 8529 10 800 0	антенны и антенные отражатели всех типов; части, используемые вместе с этими изделиями прочие, антенные фильтры и разделяющие устройства

».

2. Дополнить примечанием следующего содержания:

****) Льготы по уплате импортной таможенной пошлины и налога на добавленную стоимость распространяются на технологическое оборудование, ввозимое министерствами и государственными комитетами.